# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 27 февраль, № 40 (7270) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЁРДАМЧИСИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни Ўзбекистон — АҚШ сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элис Уэллсни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган икки томонлама муносабатлар изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган тарихий воқеа бўлгани қайд этилди.

Турли даражаларда фаол мулоқот олиб борилмоқда, томонлар учун манфаатли йўналишлар бўйича кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Шу маънода, долзарб масалалар ва икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама қилиш учун сиёсий маслаҳатлашувлар механизмидан янада самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

АҚШнинг етакчи компания ва банклари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий-технологик ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили октябрь ойида АҚШ савдо вазири У. Росснинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида илк бор ташкил этилган Америка бизнеси ҳафталигини ўтказиш амалиётини давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликка фаол жалб қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Элис Уэллс Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ва Давлат котиби Майкл Помпеонинг саломини етказди.

Америкалик дипломат Ўзбекистон пойтахтида сиёсий маслаҳатлашувларнинг еттинчи давраси муваффақиятли ўтказилганидан мамнунлигини билдирди.

Меҳмон Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак баҳолади.

АҚШнинг мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасидаги интилиши қатъий экани таъкидланди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражадаги ўзаро ташриф ва музокаралар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини аниқ мазмун билан бойитди.

Тошкент ва Ашхобод шаҳарларида икки томонлама миллий кўргазма ва бизнес форумлари ўтказилгани, Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилгани, идоралараро ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни ривожлантиришга хизмат қилди.

Мулоқотда Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш ва экологик фалокатнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аваза шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммити муваффақиятли ўтказилгани ҳамда Туркманистоннинг ушбу жамғармадаги самарали раислиги минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг Орол муаммосини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларига янги сурьат бағишлагани таъкидланди.

БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ўз фаолиятини бошлагани ҳамда денгизнинг қуриган тубида ўрмонлар барпо этиш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар юксак баҳоланди.

Шунингдек, бўлажак тадбирлар режаси, жумладан, жорий йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш тўғрисида фикр алмашилди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари қардош халқларимиз ва мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

**ЎзА.**

## ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудлар масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ҳудудлар фаровонлиги ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган. Уларни самарали амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди. Ҳудудлар ва тармоқларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини мутаносиб жойлаштириш Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш, корхона ва ташкилотларнинг экспорт фаолиятини мувофиқлаштириш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Энди мазкур вазирликлар ўзаро мувофиқ ишлаб, бозор талаблари асосида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, ҳудудлар ва тармоқларни жадал ривожлантириш чораларини кўради.

Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари аксарият лойиҳалар инфратузилма қулай бўлган туманларга жойлаштирилиб, бошқа ҳудудлар эътибордан четда қолмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги 32 та туманда саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 3 фоизига ҳам етмаслиги танқид қилинди. Ушбу туманларнинг географик жойлашуви, хом ашё базаси, меҳнат ресурсларидан янада кенг фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги қайд этилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ҳар бир туман кесимида қазилма бойликлар захирасидан келиб чиқиб, уларни саноатлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

266 минг гектар ернинг унумдорлиги пасайиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолгани қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлигига бу жойларда сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳисобидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Қўшни давлатлар билан чегарадош туманларнинг логистика, экспорт ва сервис салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган туманларда кооперация асосида кичик саноат зоналари ташкил этиб, уларда тўқимачилик, кўнчилик, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича лойиҳаларни жойлаштириш зарурлиги таъкидланди. Мазкур туманларда ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда ушбу вазифаларни амалга ошириш бўйича ташкилий ишлар ҳам белгилаб берилди.

Аввало, Бош вазир ўринбосарлари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, 32 та туманда ҳар бир йўналиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқади.

Бу лойиҳалар аниқ бўлиши, нечта корхона ишга тушади, қанча инфратузилма қурилади, қанча аҳоли банд бўлади, деган ҳамма саволларга жавоб бериши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу лойиҳаларни молиялаштириш манбалари “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” каби дастурлар билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Мазкур туманлардаги кам таъминланган оилаларни ўзини ўзи банд қилиш бўйича мақсадли дастур амалга оширилади.

Йиғилишда мутасадди раҳбарлар муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳисобот берди.

**ЎзА.**

Элис УЭЛЛС:

## АҚШ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

*АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элис Уэллс Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Аввало, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликда янги давр бошланганини таъкидлашни истардим. Бугун АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубини етказдим. Унда мамлакатингизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар яна бир бор эътироф этилиб, Америка Қўшма Штатларининг ушбу ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга тайёр экани қайд этилган.

Мамлакатингизга ташриф доирасида Ўзбекистон — АҚШ сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги даврасини ўтказдик. Бу мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиёт, хавфсизлик, сиёсат ва маданий-гуманитар соҳалардаги мулоқотларда ижобий тенденция кузатилаётганидан дарак беради.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Туркия Президентини туғилган куни билан самимий табриклаб, эзгу тилакларини билдирди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳажми жадал суръатларда ортмоқда. 2018 йил якунларига кўра товар айирбошлаш 40 фоиз ошди. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида инвестиция ва инновациялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани модернизация қилиш, туризм ва бошқа соҳаларда йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Туркия инвестициялари иштирокида 655 қўшма корхона фаолият юритмоқда, уларнинг 270 таси ўтган йили ташкил этилган.

Маданий-гуманитар алмашув кенгайиб бормоқда, туризм соҳасида ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Кейинги бир йилда мамлакатимизга ташриф буюрган туркиялик сайёҳлар сони 2 баробар кўпайди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда олий даражада эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш муҳимлигини қайд этдилар.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрлик яна бир бор таъкидланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Дунё халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш, маданиятлараро мулоқотни кучайтиришга қаратилган эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан мусиқа оламининг йирик форуми сифатида эътироф этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг нуфузини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд шаҳрида **“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини** (кейинги ўринларда Фестиваль деб юритилади) **ўн иккинчи марта 2019 йилнинг 26 — 30 август кунлари** ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. **Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Й И Ш И

## II ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий мақом санъатини асрабавайлаш ва ривожлантириш, унинг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятида мақом санъати нуфузини янада ошириш, шунингдек, навбатдаги Халқаро мақом санъати анжуманига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли қарори билан Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган **Халқаро мақом санъати анжуманини** (кейинги ўринларда Анжуман деб юритилади) **иккинчи марта 2020 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида** ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг таклифи маъқуллансин.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси 2019 йил 28 февраль куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 27 февраль куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Фестивални ўтказиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ташкилий қўмита (А. Н. Арипов) Фестивални 2019 йилда юқори савияда ўтказиш мақсадида:

икки ҳафта муддатда “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелга қадар Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини тасдиқласин;

Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Фестивалга маҳаллий ва хорижий давлатлардан мусиқашунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонларни таклиф этиш чораларини кўрсин;

Фестиваль доирасида **“Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиши, унда хорижлик ва маҳаллий таниқли мусиқашунос олим ва мутахассислар ҳамда тадқиқотчиларнинг ўз маърузалари билан иштирок этишларини таъминласин;

Фестиваль нуфузини янада ошириш, дунё ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон мусиқа маданиятига жалб қилиш мақсадида Фестиваль доирасида хорижлик мутахассислар иштирокида махсус давра суҳбати, тақдимот ва маҳорат дарсларини ўтказсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Фестивалга тайёргарлик кўриш доирасида 2019 йил 1 июнга қадар:

халқаро илмий-амалий конференция дастурини;

Фестивалда иштирок этадиган хорижлик ва маҳаллий мусиқашунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини;

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийси ҳамда бадиий дастурларини;

Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси билан биргаликда Фестивалнинг логотипи ва совриндорлар учун бериладиган ҳайкалчаси лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ташкилий қўмитага тасдиқлаш учун киритсин.

8. Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ташкилий қўмита томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қуйидаги тартибда:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг харажатлар сметасида маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳар йили назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида;

30 фоизи — Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети, ҳомийлик хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

9. Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2019 йил 20 июлга қадар Самарқанд шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, Фестиваль ўтказиладиган саҳна ва майдонлар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд шаҳри телекоммуникация тармоқларини Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш талабларига мослаштириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Фестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Маданият вазирлигининг виза талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси хорижий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари ташкилотлари ҳамда марказлари билан мунтазам равишда ижодий ҳамкорлик ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига 2019 йил 1 майдан бошлаб Фестивални кенг тарғиб этишга қаратилган ижтимоий реклама роликлари ва матнларини телевидение ва бошқа ахборот воситаларида жойлаштириш ҳамда Фестивални ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги уч ой муддатда маданият ва санъат соҳасидаги халқаро фестиваль ва анжуманларни юқори савияда ўтказиш ва бундай тадбирларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ–103-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 февраль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

# II ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ–3656-сонли қарори билан тасдиқланган **Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитага** қуйидаги вазифалар юклансин:

Анжуманга тайёргарлик кўриш ишларини 2019 йилнинг апрель ойидан бошлаш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўтказилиши режалаштирилаётган Анжуманнинг аниқ саналарини 2019 йилнинг декабрь ойига қадар белгилаш;

2019 йил 1 апрелдан бошлаб республика ва жаҳон миқёсида Анжуман тарғиботини ташкил этиш, унинг доирасида ўтказиладиган танлов шартлари ва илмий-амалий конференция мавзусини эълон қилиб бориш;

2020 йил 1 июнга қадар республикамиз ҳудудларида мақом ансамблларининг концерт дастурлари, **“Ёш мақом ижрочилари”**, бастакорлар ўртасида **“Мақом йўлида яратилган энг яхши асар”** каби номинациялар бўйича республика танловлари ҳамда таниқли мақомшунос олимлар, тажрибали мақом ижрочилари иштирокида ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиб бориш;

2020 йил 1 августга қадар Анжуман доирасида **“Мақом санъатини ривожлантириш истиқболлари”** мавзусида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, Анжуманда иштирок этадиган хорижий ҳамда маҳаллий мусиқашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар, фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш;

Шаҳрисабз шаҳридаги **Мақом музейини** ушбу санъатга оид тарихий, илмий-ижодий манбалар, қадимий ва замонавий чолғу асбоблари ва бошқа янги экспонатлар билан бойитиш чораларини кўриш;

Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ўзбек миллий мақом санъати маркази Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2020 йил 1 апрелга қадар Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

икки ой муддатда Шаҳрисабз шаҳрида Анжуманни ўтказиш учун зарур маданий инфратузилма иншоотлари ва ижтимоий объектлар барпо этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши;

2020 йилнинг 1 августига қадар Шаҳрисабз шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, Анжуман ўтказиладиган саҳна ва майдонларнинг талаб даражасида тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Шаҳрисабз шаҳрининг туризм салоҳиятини ошириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилнинг март ойига қадар замонавий сервис хизмати кўрсатиш имкониятларини ўзида жамлаган, барча қулайликларга эга замонавий бинолар, хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, меҳмонхоналар қурилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2020 йилнинг август ойига қадар Шаҳрисабз шаҳри телекоммуникация тармоқларини Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш талабларига мослаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Шаҳрисабз шаҳри туризм инфратузилмаларини ривожлантириш мақсадида кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин, шунингдек, хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйсин;

Қашқадарё вилояти ва мақом санъатининг туризм соҳасидаги реклама-ахборот тарғиботини амалга оширсин;

меҳмонхона сервис хизматчилари ва гидларнинг сифатли фаолиятини ташкил этсин.

7. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ўз тизими учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 2020 йил 1 апрелга қадар таниқли мақомшунос олимлар, мақом бастакорлари ҳамда ҳофиз ва созандаларининг ибратли илмий, ижодий фаолияти тўғрисида туркум ҳужжатли фильмлар яратсин ва уларнинг намойишини ташкил этсин.

8. Ўзбек миллий мақом санъати маркази Анжуманни бадиий ва ижодий жиҳатдан юқори савияда ташкил этиш мақсадида ўзбек мақоми ва бошқа халқларнинг турдош мусиқа жанрларини қамраб олган хорижий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари ташкилотлари ҳамда марказлари билан мунтазам ижодий ҳамкорлик ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 26 февраль



# Тўрт юз олтмиш тўрт саҳифада акс этган ёрқин таассурот

*Жанубий Кореяда ёзувчи ҳамда журналист Чвэ Хи Йонгнинг Ўзбекистонга бағишланган китоби нашр этилди.*

Кореялик ижодкор ушбу китобда мамлакатимиз бўйлаб амалга оширган кўплаб саёҳатлари давомида олган таассуротларини акс эттирган. Жумладан, у хорижлик меҳмонларга Ўзбекистонда яратилаётган қулайлик ва шарт-шароитларга атрофлича тўхталган. Айниқса, ёзувчи 2018 йилнинг февраль ойида дунёнинг бир қатор давлатлари фуқаролари учун жорий қилинган визасиз ташриф тизими миллий сайёҳлик ривожида муҳим янгилик бўлганлигини эътироф этади.

Шунингдек, китобда юртимизнинг бир қатор тарихий масканлари — Тошкент, Бухоро, Хива, Самарқанд, Жиззах, Шаҳрисабз ҳамда Термиз каби шаҳарларидаги қадимий ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар ҳақида кореялик ўқувчиларга қизиқарли маълумотлар тақдим этилган.

Шу билан бирга, Чвэ Хи Йонг Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга амалга оширган давлат ташрифидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кенг кўламда ривожланаётганлиги, бу, айниқса, кореялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётганлигида намоён бўлаётганини таъкидлайди.

464 бетдан иборат мазкур китоб 10 минг ададда нашр қилинган.

**Р. АЛИШЕРОВ.**

# ТАСВИРИЙ ТАРҒИБОТНИНГ ТАЪСИРЧАН УСУЛИ

*Қадимий Бухоронинг гавжум кўчаларини томоша қилаётган француз сайёҳи эътиборини йўл четига ўрнатилган панно тортди. Унда Ғиждувон кулоллик мактаби вакиллари маҳсулотлари тасвири туширилган эди. Сайёҳда беихтиёр шу мактаб усталари иш жараёни билан танишиш истаги туғилди. Натижада меҳмон Бухорода яна бир кун қоладиган бўлди. Эртасига у гид-таржимон ҳамроҳлигида Бухородан 50 километр узоқда жойлашган Алишер Нарзуллаевнинг музей-устахонаси томон йўл олди.*



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

## Сарҳисоб

Шу кичик бир мисолнинг ўзиёқ кўргазмали тасвирий восита бениҳоя катта таъсир кучига эга эканлигини кўрсатади.

“Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган республика кўргазмали семинари иштирокчилари ана шундай воситаларнинг таъсирчанлигини янада ошириш юзасидан ўзаро фикрлашиб, маслаҳатлашиб олдилар.

Тадбирнинг дастлабки кунида республикамиз вилоятларидан келган соҳа мутахассислари “Бухоро бриллиант силк” корхонаси, 82-мактабгача таълим муассасаси, “Orient house” қурилиш штаби ва бошқа бир қатор объектларда бўлишиб, мазкур масканларни тасвирий-тарғибот воситалари ёрдамида безаш ишлари билан танишдилар.

Ёшлар марказида ижодий уюшманинг ўтган йилда амалга оширган ишлари якуни ҳамда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида бажариладиган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилган “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И. Латипов таъкидлаганидек, бугунги ислоҳотлар халқимиз турмуш тарзини яхшилаш, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари эса юртимиз қиёфасига янада кўркамлик бағишламоқда. Мана шу кенг қамровли ишлар мазмун-моҳиятини тасвирий-кўргазмали воситалар орқали аҳоли онгу шуурига етказиш долзарб вазифага айланяпти.

Тадбирда уюшма томонидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил сўз юритилиб, Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида бажарилиши кўзда тутилган вазифаларга эътибор қаратилди. Фаол замондошларимиз фотосуратлари ҳамда инвестиция киритилиши натижасида эришилаётган ютуқлар, қишлоқ хўжалигида дадил қўлланилаётган кластер усули афзалликлари, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари доирасидаги юмушлар, одамлар турмушидаги ўзгаришлар акс этган лавҳаларни тайёрлаш эса уюшма жамоасидан изланиш, масъулият ва ижодкорликни талаб қилади.

Йиғилишда аҳоли гавжум жойлар, хусусан, бозорларда савдо ва турли хизмат кўрсатиш шохобчалари номи ўзга тилларда ёзилгани танқид остига олинди.

Тадбирда Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик фестивали, Қўқон шаҳри мезбонлик қиладиган Халқаро ҳунармандчилик фестивали объектларини тасвирий-тарғибот воситалари билан безаш борасидаги тайёргарлик ишлари юзасидан ахборот берилди.

— Ушбу семинар биз учун ниҳоятда фойдали бўлди, — дейди “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи Феруза Холмирзаева. — Бухоро шаҳридаги бир қатор ташкилот, муассасаларда бўлиб, тасвирий-безаш ишлари билан танишдик. Менда, айниқса, кластер усулида ишловчи “Бухоро бриллиант силк” корхонаси фаолияти катта таассурот қолдирди. Биласиз, яқинда бизда Халқаро бахшичилик фестивали бўлиб ўтади. Ундаги безаш ишларига тажрибали дизайнерлар, жумладан, бухоролик ижодкорларни ҳам таклиф этмоқчимиз.

Кўргазмали семинар доирасида ижодий уюшма томонидан Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилига бағишлаб чиқарилган “Тараққиёт йўлимизнинг шиддати ошаверади” деб номланган тавсия-қўлланманинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

# АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИМИ?

*Одамлар ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар қоғоз учун эмас, балки улар турмушини яхшилаш, айниқса, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш, фуқароларни сифатли ҳамда арзон дори воситалари билан таъминлаш мақсадида қабул қилинган 30 дан ортиқ Фармон ва қарорларнинг ўзи ҳам ушбу соҳага долзарб масала сифатида қаралаётганидан далолат беради.*

## Депутат фикри

Дарҳақиқат, бугун аҳолини арзон нархларда дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мақсадида нархлар шаклланишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика саноатини қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни маҳаллий дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан тўлдириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа ривожида навбатдаги босқични бошлаб берди.

Яна бир жиҳат, бу борадаги муаммоларнинг ечими сифатида ижтимоий дорихоналар ташкил этилиб, уларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари дори-дармонларни имтиёзли нархларда харид қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Айни пайтда жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида бажарилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларидан иборат Республика ишчи гуруҳи фаолияти давомида ҳам айни шу жиҳатлар таҳлил қилиниб, тегишли таклифлар тайёрланмоқда.

Хўш, ташкил этилаётган ижтимоий дорихоналар, умуман, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш учун имкониятлар етарлими?

Шу ўринда дори воситалари ишлаб чиқариш борасида бир таҳлил. Агар статистик маълумотларга мурожаат қилсак, 1990 йилда республикадаги мавжуд 2 та фармацевтика корхонаси томонидан 21 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда 155 та корхонада 2836 номдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлана бошлади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситалари ҳамда тиббий буюмларнинг ҳажми ва ассортименти оширилиши натижасида ўтган йилда ушбу турдаги маҳсулотлар импорти камайди. Бу, ўз навбатида, аҳоли хориждан келтириладиган дори воситаларининг ўрнини босадиган бирмунча арзон маҳсулотлар билан таъминланишини англатади.

Ўтган йилда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тайёрланган плазма ўрнини босувчи ва тузли эритмалар, эритувчилар — 96,16, анестезиология ва реаниматология учун воситалар — 92,0, антибиотиклар 57,0 фоизни ташкил этди.

Юртимиз фармацевтика корхоналарининг имконияти хусусида сўз борганда, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчи 22 корхона томонидан 25 фармакотерапевтик гуруҳга мансуб дори воситалари ҳамда 10 номдаги тиббий буюмлар чет эл, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Россия, Франция ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Умуман айтганда, айни пайтда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси бир мақсад — одамларнинг ҳаётдан розилигини таъминлашга хизмат қилади.

**Муҳаррам ДАДАХЎЖАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

«Robo Coders — 2019»

## ҒОЛИБ ДАСТУРЧИЛАРНИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМ АНИҚЛАДИ



*Дастурий маҳсулотларни “ақлли” технологияларнинг “мия”сига қиёслашади. Негаки, бугунги глобаллашув даврида ҳар бир илғор қурилма дастурий бошқарувга мослаштирилган. Демак, бу жабҳада юксак билим ва салоҳиятга эга ёш мутахассисларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтидорини юзага чиқариш — муҳим эҳтиёж.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги кўмагида “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази ташаббуси билан ташкил этилган “Robo Coders — 2019” республика танлови айни мақсадларни кўзда тутади.

Пойтахтимизда ушбу ижодий беллашувнинг якуний босқичи ғолиб ва совриндорларини аниқлаш ҳамда тақдирлаш тадбирида бунга бевосита гувоҳ бўлдик.

— Бундай танловлар профессионал дастурчи кадрларни тайёрлашда қўл келади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг ўринбосари Даврон Мақсудов. — Қолаверса, мамлакатимизда яратилаётган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга хизмат қилади. Шу маънода, “Robo Coders — 2019” ёш дастурчилар учун кенг маҳорат майдони. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 10 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида ташкил этилган ушбу интеллектуал беллашув ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида энг сара навқирон авлод вакилларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жорий йил февраль ойи бошидан танловда 415 нафар ёш дастурчи ўзаро баҳслашиб, 50 нафари финалга йўл олди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган якуний босқичда ҳар бир иштирокчи мантиқий ҳисоблаш ва алгоритмлардан ташкил топган масалалар ечими бўйича билим ҳамда иқтидорини синовдан ўтказди. Хусусан, улар танлов шартига мувофиқ, робототехника принципларига асосланган ўз дастурий кодини яратди.

— Финал босқичи топшириқларнинг мураккаблик даражаси билан фарқланди, — дейди “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази директорининг биринчи ўринбосари Орифжон Файзиев. — Унда тўғри жавоблар, алгоритмларнинг ягоналиги ҳамда топшириқлар ечими учун сарфланган вақт автоматик равишда ҳисобланди. Бу эса, ўз навбатида, ғолибларни аниқлаш жараёнига инсон омили таъсирини бартараф этди.

Уч ёш тоифасида ўтказилган беллашувлар якунида Саиджалол Ҳасанов, Сирожиддин Абдукаримов, Назарбек Болтабаев биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Суннатулло Ҳожиев, Муроджон Давронов, Жамшид Қодиров, Нодирбек Саъдуллаев, Хуршид Жўраев, Асадулло Ғаниев совриндорлар сафидан жой олди.

Ўн етти ёшли Беҳруз Аъзамов “Энг ёш дастурчи”, Анахон Исмоилова ва Мавлуда Раҳимқулиева “Қизлар — дастурчилар” номинацияси ғолиби, деб топилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ



*Машҳур экспертларнинг фикрича, жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодий ривожланишнинг омили сифатида XIX асрда тадбиркорлик, XX асрда менежмент эътироф этилган бўлса, XXI асрда мамлакат иқтисодий ривожланишини корпоратив бошқарув белгилаб беради.*

*Дарҳақиқат, мазкур мезон АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатлар иқтисодиёти барқарорлиги, инновацион жиҳатдан бойиб боришига хизмат қиляпти. Зеро, корпоратив бошқарув Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланилиши, рақобатнинг янада ривожланиши ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга давлат ва корпоратив буюртмалардан тенг фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Шунингдек, ушбу жараённинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлашда қўл келади.*

Ислоҳот

Шу боис юртимизда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бинобарин, бу Ҳаракатлар стратегиясида ҳам, 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган. Натижада ушбу муҳим соҳада қатор янгиланишлар рўй берди. Тегишли қонунчилик ва институционал база мустаҳкамланиб, халқаро тажрибалар чуқур ўрганилаётгани, кадрлар масаласи доимий диққат марказида бўлиб тургани бунга яққол мисолдир.

Гап шундаки, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ўқув курсларида биргина ўтган йилнинг ўзида 2 минг 67 нафар тингловчи таҳсил олди. Жумладан, 202 нафари Европа менежмент ва технологиялар мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув курсларида, 95 нафар фаол ҳамда иқтидорли тингловчи Германиянинг етакчи компанияларида тажриба орттириб қайтгани диққатга сазовор. Қолаверса, тўрт юздан ортиқ акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодекси жорий қилинди. Уларнинг уч юзга яқинида корпоратив бошқарув тизими баҳоланди. Шу асосда олинган таҳлиллар ҳали бу борада кўп масалалар ҳал этилиши кераклигини кўрсатди.

Шунинг учун нафақат республика миқёсида, балки ҳудудларда ҳам турли тадбирлар ташкил этиш анъана тусига кирди. Уларда академиклар, профессорлар, мутахассислар билан бирга, амалиётчилар, тадқиқотчилар ва талабалар ҳам қатнашиб, ўзаро фикр алмашаётгани соҳа истиқболида муҳим аҳамият касб этаётир.

Яқинда Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида “Корпоратив бошқарув: назария ва замонавий амалиёт” мавзуида республика илмий семинари бўлиб ўтгани бунга бир мисолдир. Унда кўрилган масалалар миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналари, холдинглар, акциядорлик жамиятлари ва компанияларнинг самарали фаолият олиб боришида долзарб ҳисобланади. Зеро, семинарда корпоратив бошқарув бугунги кундаги замонавий ва самарали бошқарув усули эканлигига алоҳида урғу берилди. Бу эса нафақат жабҳага оид назарий қарашлар, балки жаҳон давлатларида олиб борилаётган замонавий амалий тажрибаларни ҳам ўрганиш ва уларни республика амалиётида ижобий қўллаш имкониятини яратади.

Бугунги глобаллашув жараёнида корпоратив бошқарув ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда такомиллашиб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, мулкчилик шакллари устувор бўлган мамлакатларнинг жаҳон бозор капиталлашувидаги улуши охирги ўн саккиз йилда 20 фоиздан 34 фоизгача ўсган. Бунга, асосан, ривожланаётган мамлакатлар капитал бозорларининг кескин тараққий этиши сабаб бўлган. Шунинг учун мамлакат корпоратив бошқарув тизимининг сифати унинг корпоратив сектори рақобатдошлиги ва динамик ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хўш, бу йўналишдаги изланишлар ва ўрганишларни давом эттириш зарурати нега ҳамон амалда, деган савол туғилади. Биринчидан, глобаллашув жараёнларининг давом этаётганлиги сабабли корпорациялар жаҳон иктисодиёти ҳамжамиятига жадал интеграциялашмоқда. Иккинчидан, корпорацияларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлиги ошяпти. Учинчидан, инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни таъминлаш, корпорация мулкини бошқаришнинг самарали механизмини яратиш лозим. Тўртинчидан, корпорация мулкдорлари ҳисобланган ва уни бошқаришда иштирок этаётган барча молиявий манфаатдор шахсларнинг манфаатлари мувозанатини сақлаш зарур. Ва ниҳоят, йирик ташкилотларда эгалик қилиш ва бошқариш функциялари ажратилиши, рақамли иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан шаклланиши ва ривожланиши тенденциялари кузатилаётир.

Бундай ҳодисалар Ўзбекистонни четлаб ўтгани йўқ. Айниқса, охирги йилларда иқтисодиётимизда корпоратив бошқарувга оид ислоҳотларнинг чуқурлашуви юз бермоқда, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Шунга қарамай соҳада айрим муаммолар ҳам борки, уларни ҳал этмасдан туриб, корпоратив бошқарув тизимини келгусида ривожлантириш, қолаверса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат рақобатдошлигига эришиш жараёни қийинлашиши мумкин.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда.

Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур”.

Ушбу шароитда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғини модернизациялаш, техник-технологик янгилаш ва ислоҳ этиш жараёни ҳамда рақобатчиликка асосланган бизнес муҳити шароитида давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилаётган хўжалик субъектлари, шунингдек, акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқариш самарадорлигини янада ошириш шарт.

**Мамлакат МАҲКАМОВА,**
**Ислом Каримов номидаги**
**Тошкент давлат техника университети кафедра мудири,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ҚЎҚОНДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ ЁПИЛАДИМИ?

*Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейининг бугунги кунда вилоят миқёсидаги мақоми бекор қилиниб, Қўқон маданияти тарихи шаҳар музейининг филиалига айлантирилгани кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлган эди. Бунинг устига, кейинги пайтларда унга бутунлай барҳам берилиб, расмлар галереясига айлантириш ҳақида гап чиқди-ю, ҳамма безовталаниб қолди.*

Таассуф

— 1933 йилда Қўқонда тўғридан-тўғри республикага бўйсунувчи Ёзувчилар уюшмаси бўлими ташкил этилгани туфайли бу ерда азалдан мавжуд бўлган адабий муҳит янада гуркираб ривожланиши кутилганди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Носир Зоҳид. — Ўшанда юзага келган вазият, шароит адабиёт музейи ташкил этилишини тақозо қилган эди.

1941 йилнинг июнь ойида, Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан сал олдин Соҳибзода ҳазрат мадрасасидаги Муқимий ҳужра-музейи негизида адабиёт музейига асос солинади. Унда дастлаб шоирнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматов топширган 18 та мактуб ҳамда Ғарибий, мулла Абдулла, Ёрий, Обидча Аълам сингари кишилар тақдим этган экспонатлар бор эди, холос.

— Музей 1959 йилда республика Фанлар академияси ихтиёрига ўтказилади ҳамда 1960 йил 29 июнда ҳукумат қарори билан академиянинг адабиёт музейи сифатида қайта ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қўқон бўлими раҳбари Фарида Ҳусаинова. — Академик Азизхон Қаюмов музей очилиши, унинг қўлёзмалар фондини бойитишда, Ғафур Ғулом эса Қўқон шаҳри раҳбарлари билан гаплашиб, шаҳар молия бўлими жойлашган, собиқ рус давлат банки сифатида 1911 йилда қурилган меъморий ёдгорликнинг музей ихтиёрига ўтказилишида катта хизмат кўрсатган. Бу ишларни ташкил қилишда Ўзбекистон халқ шоири Чархийнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

**М**узей экспозицияси 8 та залга жойлашган бўлиб, бу нодир хазинада Низомий, Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг қўлёзма асарлари ҳамда Навоий “Хамса”сининг 1857 йилда кўчирилган нусхаси ҳам мавжуд. Бу муассаса жуда кўп олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг юзага чиқишига сабаб бўлган. Санъат асарлари, этнографик буюмлар, Қўқон қоғозининг тарихи ва турлари, илк босма нашр, “Садои Фарғона” газетасининг дастлабки сонлари, жадидчилик ҳаракати намояндаларининг асарлари, улар фаолиятига оид қизиқарли материаллар унинг фондини бойитиб туради.

— Музей биносини расмлар галереясига айлантириш фикрига нафақат адабиёт аҳли, балки шаҳар расмийлари ҳам рози эмас, — дейди филология фанлари номзоди, ҚДПИ доценти Мўминжон Сиддиқов. — Қўқон адабиёт музейига илгариги мустақил мақомини бериш борасида ЎзРФА академиклари Бахтиёр Назаров, Наим Каримов, Тўра Мирзаев маданият вазири Б. Сайфуллаев номига хат йўллаб, 12 мингдан ортиқ экспонатлардан 2 мингдан зиёди қўлёзмалар эканлиги, энг қадимийси 1414 йилга тегишли бўлиб, 4 та нусхаси Британия музейи кутубхонаси сайтига жойлангани, бу адабий ёдгорликларнинг қиммати ва халқаро аҳамияти ҳақида асосли важлар кўрсатиб, музей мустақиллигини сақлаб қолиш нечоғли тўғри эканлигини асослаб беришган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Қўқон шаҳрига музей-қўриқхона мақоми берилди. Жорий йилнинг сентябрь ойида ўтказилиши мўлжалланган “Ҳунармандчилик фестивали”га тайёргарлик жараёнидаги чора-тадбирлар режасида адабиёт музейи алоҳида таъмирланадиган бинолар рўйхатида турибди. Бу ерда анъанавий навоийхонлик кечалари ўтказиб келинади. “Ниҳол” ёш ижодкорлар тўгараги ҳам ушбу муассаса билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Адабиёт ихлосмандларининг зиёратгоҳига айланиб қолган бу даргоҳ ҳали миллатимиз руҳини кўтаришга жуда кўп хизмат қилади. Зеро, Абдулҳамид Чўлпон айтганидек, “Адабиёт яшаса, миллат яшар”. Бу сўзларни ҳис қилганлар музейнинг асл тарихий ҳолида мукаммал сақланиб қолиши йўлида ҳаракат қилишмоқда. Уйлаймизки, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳам бунга бефарқ бўлмайдилар.

**Гулбаҳор**
**САИДҒАНИЕВА.**

Тиббиёт

*Шовот тумани кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган, анча йиллардан буён бўш турган бино қайта таъмирланди. Хориждан замонавий ускуналар келтирилиб, бу ерда 6 турдаги биологик фаол моддалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## БИОЛОГИК ФАОЛ, ЭКОЛОГИК ТОЗА

— Аҳоли саломатлигини сақлашда экологик тоза, табиий йўл билан тайёрланган препаратлар муҳим аҳамият касб этади, — дейди “Нуромон мед” хусусий корхонаси раҳбари Омонбой Нураддинов. — Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган биологик фаол моддалар асосий дори воситаларига қўшимча сифатида ишлатилади ва бемор тезроқ тузалишига ёрдам беради.

Янги корхонанинг фаолият бошлаши натижасида қишлоқ ёшларидан етти нафари доимий иш билан таъминланди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

**қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

1. Халқаро иқтисодиёт кафедраси: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи;
2. Халқаро молия ва инвестициялар кафедраси: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи;
3. Математик моделлаштириш ва ахборот технологиялари кафедраси: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи;
4. Иқтисодиёт назарияси кафедраси: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи;
5. Тизимли таҳлил ва менежмент кафедраси: кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри,**
**Мустақиллик шоҳкўчаси, 54-уй.**
**E-mail: kadrlar_bulimi@uwed.uz.**
**Телефон: 71-267-65-40.**

179R/134

Фахр

## Ёш дизайнерларимиз ишлари Италияда намойиш қилинди

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш дизайнерлар кенгаши аъзолари Италиянинг Милан шаҳрида ташкил этилган халқаро мода ҳафталигида ўз ижодий ишларини намойиш қилди.*

“Қуёшли шаҳар” деб номланган ушбу кўргазмадан Дилноза Умрзоқова, Гулноза Ҳасанова, Раъно Вакилова, Умида Исоқова, Феруза Эргашева, Зуҳра Қосимова сингари истеъдодли ёш дизайнерларнинг замонавий, романтик ва классик услубга эга, эксклюзив нақшларга бой кийимлар тўплами ўрин олди. Адрас, шойи каби миллий матолардан тикилган либослар 2019-2020 йилнинг куз-қиш мавсуми учун мўлжалланган.

Айтиш жоизки, ҳамюртларимиз томонидан яратилган коллекция хорижлик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

**Муҳаммаджон**
**АҲМАДЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

Жараён

## Кунлик тушум 43 баробар ошди

*Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси ва ҳудудий давлат солиқ инспекциялари томонидан жорий йилнинг январь ойида 43 та тадбиркорлик субъектида уч кунлик хронометраж ҳамда 228 тасида кузатув тадбирлари ўтказилди.*

Натижада тушумлар аввалги кунларга нисбатан 2 баробардан 43 бароборгача, жумладан, 10 та тадбиркорлик субъектида 43 мартагача ошган.

— Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатувчи “Самандар ширинликлари” оилавий корхонасига қарашли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи хронометраж тартибда ўрганилди, — дейди Жиззах вилояти ДСБ жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шуъбаси бошлиғи Ҳакимжон Фозилов. — Корхонада 37 нафар ишчи меҳнат қилаётганлиги, корхона ҳисоботларида эса ишчиларнинг 26 нафари кўрсатилгани, қолган 11 нафари норасмий фаолият юритаётганлиги маълум бўлди.

Шаҳардаги бошқа 14 та субъектда ҳам шу каби ҳолатлар аниқланди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Хабар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДАН 8 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 29-мҳ-сон “Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2019 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135. (2019 йил 5 февралдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 январдаги мҳ-186, 1-п, 01-02/15-79, 330-В-2-сон “Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори.

**2019 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2549-2. (2019 йил 5 февралдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 2018-79-сон “Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

**2019 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3136. (2019 йил 6 февралдан кучга кирди).**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02

# ЁШЛАР УЙЛАРИ ҚАЧОН ЎЗ ЭГАЛАРИГА БЕРИЛАДИ?



*Ёшлар — келажагимиз, юрт таянчи ҳамда ишончи, деймиз. Шу боис айни пайтда юртимизда ёш авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўқиш ва ишлашлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар эса уларни янги марралар сари ундаётгани бор гап. Бинобарин, ҳозирги кунда ўз билим ҳамда меҳнати билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларимиз ҳам талайгина. Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги "Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса уларнинг илм ҳамда меҳнат йўлида, умуман, ҳаётда муносиб ўрин топишлари учун ғоят муҳим ҳужжат бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

## Журналист суриштируви

Таҳририятимизга бир гуруҳ ёшлар номидан келган аризада худди шу масала, аниқроғи, уй-жой таъминоти масаласи кўтарилган. Аризада 2018 — 2021 йилларда мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш параметрлари тасдиқланган ҳолда, ўтган йили Тошкент шаҳрида 420 хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши белгилангани, аммо ушбу уйлар барпо этилмагани, бу пайтга келиб, 2015 — 2017 йиллардан буён Тошкент шаҳрида Ёшлар уйлари қуриб, фойдаланишга топширилмаганлиги сабабли, ёшлар орасидан саралаб олинган номзодлар сони 630 нафарга етганлиги баён қилинади. Ваҳолонки, ушбу масала давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 26 октябрь куни Юнусобод туманига ташрифи давомида берилган топшириқлар юзасидан мажлис баёнида ҳам акс эттирилгани келтирилади.

— Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа мактабида бўлим бошлиғи вазифасида ишлайман, — дейди улардан бири Санъатжон Шарипов. — Ўзим Халқ таълими аълочисиман. 630 та ёш оилага берилган сертификатни олганлар қаторида мен ҳам борман. Ижтимоий ҳаётда ютуққа эришган ёшлардан бири сифатида Сергели туманининг "Чоштепа" МФЙ ҳудудидан уй олмоқчиман. Чунки сертификатда айнан шу маҳалла кўрсатилган. Лекин шу кунгача уйдан дарак йўқ. Шу боис бир неча бор масъул ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўляпмиз...

Қисқаси, мазкур ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, шу саволни ўртага ташлашмоқда: бизга қачон ва қаердан уй берилади? Чунки улар бу масалада Ўзбекистон ёшлар иттифоқида бир неча бор бўлишганда, уйнинг қачон топширилиши-ю, қаердан берилиши хусусида аниқ жавоб олишолмаганини таъкидлашмоқда. Шу боис мазкур тушунарсиз ҳолатга жавоб олишни исташяпти.

***Хўш, бунга мутасаддилар нима дейди? Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига мурожаат қилиб, унинг юридик хизмат бўлими мудири Баҳром ИЛҲОМЖОНОВнинг фикрларига қулоқ тутдик.***

— Ушбу масаладан хабаримиз бор, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу бўйича биз 2018 йил июнь ойида Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилганимизда, улар томонидан Ёшлар уйи учун ажратилган квота ва лимит 2017 йилда ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига имтиёзли ипотека кредити асосида берилгани маълум қилинди. Бу ҳам мақсадсиз эмас, албатта.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан 2018 йил июль ойида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилиниб, Сергели туманида 420 та квартирали кўп қаватли уй қурилиши белгиланди. Айни пайтда улар барпо этилмоқда. Қолаверса, бу уйлар қурилиши сентябрь ва октябрь ойларида бошланганлиги боис тугалланиши май-июнь ойларига белгиланган. Бу 2018 йил ҳисобидан. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги қарори асосида жорий йил учун яна 420 та уй қурилиши белгиланганди. Ҳозир мазкур уйлар қурилиши ҳам бошланган. Бу жорий йилда 2018-2019 йиллар ҳисобидан мамлакат ижтимоий ҳаётида алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга 840 та уй қурилиши режалаштириляпти, деганидир. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 3 декабрдаги "Тошкент шаҳрида қуриб битказиладиган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар тақсимотини самарали ташкил этишга қаратилган қўшимча чоралар ҳақида"ги фармойишининг биринчи иловасига мувофиқ, Сергели тумани 8-қурилиш майдонидан 2 та (84 та квартира, 29-30 рақамли) ва 9-қурилиш майдонидан 8 та (336 та квартира, 9, 10, 18, 19, 34, 55, 72, 73-рақамли) уйлар, иккинчи иловаси билан эса 8-қурилиш майдонидан 10 та (72 — 81 рақамли) яна 420 та квартира ажратилиши белгиланган. Демак, бу йил Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жами кўп қаватли уйлар квартираларининг 840 таси Ёшлар уйи сифатида мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларга топширилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, уйларни қуриб битириш муддати, уларнинг сифати қандай, деган саволларга жавоб бериш бизнинг ваколатимизга кирмайди. Бу ҳолат инобатга олиниши керак. Навбатда турган ёш оилаларнинг ҳам бу уйдан оламан, бунисидан олмайман, дейишга ҳаққи йўқ. Сабаби Ёшлар уйлари Президентимиз томонидан қабул қилинадиган қарорлар асосида барпо этилади. Айни пайтда қурилаётган уйлар юқорида айтиб ўтганимиздек, саккизинчи ва тўққизинчи қурилиш майдонида. Ёшлар айтяптики, уйимиз "Чоштепа" МФЙ ҳудудида бўлиши керак.

***— Чиндан ҳам, уларнинг қўлидаги сертификатларда айнан "Чоштепа" МФЙ ҳудуди кўрсатилган-ку, бунга нима дейсиз?***

— Ёш оилаларга Ёшлар уйи сифатида режалаштирилган уй-жойлар мазкур қурилиш майдони ҳудудида қурилиши кўзда тутилган эди.

Бироқ "Чоштепа" МФЙ ҳудудида бугунги кунда қуриб битказилган уйлар хусусий тадбиркорлар томонидан бунёд этилган. Шунга қарамасдан юқорида қайд этганимиздек, дастлабки 150 ёш оила айнан "Чоштепа" МФЙ ҳудудида қуриб битказилган уй-жойларга кўчиб ўтади.

Бу масалада биз, албатта, вазиятни тушуниб, узоқ муддат уй-жойлар топширилишини кутаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлагани учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Молия вазирлигига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ваҳолонки, бу Ёшлар уйлари эмас. Ўз навбатида, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Давлат дастури асосида белгилаб берилган уйларга тавсиянома беради. Шартнома тузилгач, биз олдиндан уйларнинг бошланғич тўлови, яъни 25 фоизини тўлаб берамиз. Бу — бизнинг мажбуриятимиз. Давлат дастуридан ташқарига чиқишга бизнинг ҳам ҳуқуқимиз йўқ.

Лекин шу ўринда қайд этиш керакки, яқинда Ўзбекистон ёшлар иттифоқига Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакат ижтимоий ҳаётида фаоллик кўрсатган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Чоштепа" МФЙ ҳудудидан уларга уй ажратиш учун рўйхатни шакллантириш ва ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш бўйича топшириқ хати келиб тушди. Шунга мувофиқ, 2019 йил 31 январь куни Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди ва унда ўша 630 нафар номзод орасидан рўйхатда турган дастлабки 150 ёш оиланинг рўйхати тасдиқланиб, ҳокимликка юборилди. Бугунги кунда бунинг учун кредит ресурси ажратилган.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши 150 ёш оиланинг Ёшлар уйини сотиб олиш учун дастлабки бадал тўловларини, яъни 9 779 828 850 (тўққиз миллиард етти юз етмиш тўққиз миллион саккиз юз йигирма саккиз минг саккиз юз эллик) сўм пул маблағини жорий йилнинг 5 февраль санасида ўрнатилган тартибда тегишли ҳисоб рақамга ўтказиб берди. Ҳозирги кунда ёш оилалар билан дастлабки уч томонлама олди-сотди шартномалари тузилиши бошланди. Бугунги вазият шу.**

***— Дастлабки, яъни 150 ёш оиланинг рўйхати нимага асосланиб шакллантирилган?***

— Бунда ёш оилаларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳузуридаги Республика комиссияси томонидан ҳисобга қўйилганлик кетма-кетлигига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни ким олдинроқ ҳужжат топширган ва ҳисобга (навбатга) қўйилган бўлса, улар мазкур рўйхатга киритилган. Бу рўйхатга 2014 — 2016 йилларда ҳужжат топшириб, ҳисобда турган ёш оилалар киритилган. Жараёнда уларнинг орасидан вакиллар ҳам сайладик. Улар жамоатчилик назоратчиси сифатида иштирок этишди.

Шу ўринда қолган 480 та оилачи, деган савол туғилиши мумкин. Мутахассиснинг таъкидлашича, жорий йилда ёшлар учун 840 та хонадон қурилмоқда. Бу 2018-2019 йил дастури бўйича май-июнь-июль ойларига белгиланган ишлар. Ёшлар иттифоқи 480 нафар ёш оилага ҳам худди шу "Чоштепа" МФЙ ҳудудидан уй берилишини истисно қилмаяпти. Демак, уларни шу йилнинг ўзида жойлаштириш имконияти мавжуд. Молия вазирлиги томонидан 75 фоиз кредит ресурси топиб берилса, Ёшлар иттифоқи бошланғич тўловни амалга оширишга тайёр.

### Вазиятни ҳокимлик қандай изоҳлайди?

— "Чоштепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 3 996 хонадонли 66 та уй қурилиши керак, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Элбек Шукуров. — Уйларни барпо этиш кетма-кетлиги бўйича оладиган бўлсак, бугунги кунга келиб, бу ерда 21 уй битган. Бу — биринчи босқич уйлари. Март ойи охири ва апрель ойи бошларида иккинчи босқич уйлари қурилиши якунланса, учинчи босқич уйлари бунёдкорлик ишлари якунланиши июнь ойига тўғри келади.

Айни пайтда чиқарилган тақсимотда дастлабки босқичда 150 та ёш оиланинг 80 таси уй билан таъминланиши назарда тутилмоқда. Чунки ушбу уйлар 6 та контингент, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, ёш оилалар ҳамда оғир шароитда яшаётган, имконияти чекланган, ногиронлиги бор инсонларга тақдим этиляпти. Хуллас, уйлар шу тоифаларга тенг тақсимланганда, бир ва икки хонали хонадонларда муаммо йўқ. Улар етарли. Лекин биринчи босқичда оладиганлар учун уч хонали хонадонлар етишмовчилиги вужудга келмоқда. Сабаби депутатлар, Сенат аъзоларининг ёши катта. Фарзандлари сони, жинсидан келиб чиққанда, уч хоналига талаб юқори бўлди. Аслида, ёш оилаларда икки хоналига эҳтиёж кўп бўлади, деб ўйлагандик. Бироқ ёш оилалар ичида ҳам икки, уч, ҳаттоки, тўрт нафар фарзандлилар ҳам бўлганлиги учун 150 танинг ичида бор-йўғи 30 тасида икки хоналига эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Уч хонали уй топиб беролмаганимиз нуқтаи назаридан қайта тақсимот қилинди. Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ёшларни ҳудудга олиб бориб уйлар кўрсатилганда, ҳали тақсимот қилинмаган эди.

Аслида, муаммо қаердан келиб чиққан эди? Гап шундаки, шаҳар ҳокимлиги собиқ раҳбарияти томонидан қилинган тақсимот туфайли ёш оилаларга мўлжалланган 420 та хонадон бошқа контингентга берилган. Яъни пойтахтимизнинг бошқа туманларидаги имконияти чекланган аҳоли вакилларига. Натижада ёш оилалар уйларини кутиб қолди. Шу боис ҳокимлигимиз томонидан мазкур маҳаллада қурилаётган уйларни ёш оилага бериш тўғрисида раҳбариятга таклиф билан чиқилганди. Ва таклиф маъқулланганди. Лекин ўша пайтда Молия вазирлиги томонидан бунга маблағ топиб бериш масаласи пайдо бўлади, деб ўйламагандик. Лекин шу муаммо пайдо бўлди.

Бундан ташқари, ёш оилалар учун мўлжалланган 420 та хонадоннинг бериб юборилганлиги хусусида Ҳукуматга хат билан мурожаат қилганимизда, Чоштепа ҳудудига яқин жойда бу йилга мўлжалланган 420 тадан ташқари, яна 420 та хонадон қўшиб берилди. Ҳозир мазкур ёшларга мўлжалланган 840 та хонадонли уйлар қурилиши давом этмоқда. Яъни Ҳукумат томонидан ҳам вазият тўғрилаб қўйилди. Биз ҳам ҳокимлик томонидан қўшимча 630 та хонадон ажратдик. Яъни ёшларнинг кўнгли ўксимасин, кутганлиги ўрнини компенсация қилиш нуқтаи назаридан.

**Ёшларимизни эшитадиган бўлсак, тўғри, уларга яна бир марта кўчишинг сал кечикади, дейиш оғир ботиши, табиий ҳолат. Бу билан ўзимизни оқлаш ниятимиз йўқ. Лекин вазият шунақаки, ҳозир мўлжалланган контингентга тенг тақсимлашга ҳокимлик ҳам мажбур. Кўпчилик ўйлаяптики, уй берилмас экан, олиб қўйилар экан, деб. Бу ҳақда ҳеч қанақа гап бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси берилади. Фақат маълум бир муддат фарқи билан.**

Айтиб ўтганимиздек, дастлабки босқичда 80 та ёш оила, кейин, яъни апрель ойида 70 та ёш оила уй билан таъминланади. Албатта, бунда аввалги тақсимотдаги хонадон рақамлари ўзгариши мумкин.

Учинчи босқич бўйича айнан "Чоштепа" МФЙ ҳудудида 480 та оилага уй берилиши Молия вазирлиги томонидан молиявий манба топилишига боғлиқ. Шу билан бирга, мазкур ёшлар учун юқорида келтирилган, қурилиши давом этаётган 840 та хонадоннинг молиявий манбаси аниқ. Ушбу уйларни ёш оилаларга бериш учун ҳеч қандай муаммо мавжуд эмас. Қурилиш якунланиши билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсиясига кўра, мазкур уйлар ўз эгаларига топширилади.

Суҳбатдошларимизнинг фикрларидан англаш мумкинки, бу борадаги ишларга киришилмоқда. Биз ҳам ёшларимиз бот-бот таъкидлаётганидек, ўз уйига, ўз "Ватани"га жорий йилда эга бўлишларига умид қилиб қоламиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БАНК ХОДИМЛАРИ НИГОҲИДА

*Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, солиқ тўловчиларга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда ўқув-семинарлар, учрашувлар ўтказилмоқда.*

AGROBANK

## Семинар

Яқинда шундай тадбирлардан бири "Агробанк" АТБ бош офисида ташкил этилди. "Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг моҳияти ва асосий жиҳатлари" мавзуидаги мазкур ўқув-семинарида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари, Банк-молия академияси фан докторлари, банкнинг раҳбар-ходимлари, шунингдек, тадбиркорлар қатнашди.

Таъкидланганидек, солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш, солиқ юкламасини камайтириш, иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, пировардида соғлом рақобат муҳитини яратиш концепциянинг асосий мақсадидир.

— Мамлакатимизда қўлланиб келинаётган даромад солиғи, фойда солиғи, мол-мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ягона ижтимоий тўлов, солиқ ставкаларига киритилган ўзгартишлар иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим босқичларидан бири саналади, — дейди иқтисодиёт фанлари доктори Исламбек Ниязметов. — Бундан кўзланган асосий мақсад адолатли солиқ тизимига ўтишдир. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган солиқнинг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорида белгиланиши тадбиркорларга бир қатор енгилликлар яратиб беряпти. Бу ходимларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, қўшимча шароитлар яратишга мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Тадбирда "Агробанк" ходимлари ва мижозларга қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳамда ҳисоб-китобларни тақдим этиш, бюджет билан ўзаро муносабатлар, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хусусида атрофлича маълумот берилди. Яъни қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, солиқларнинг соддалаштирилиши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, бизнесни хуфиёна иқтисодиётдан очиқ ишлашга чиқариш ҳамда инвестициявий жозибадорликни ошириш каби масалалар юзасидан тақдимотлар бўлиб ўтди. Натижада иштирокчилар солиқ сиёсати концепцияси билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ҳар бир жараёнда яратилаётган қўшимча қийматга солиқни жорий этиш хусусида тушунчаларга эга бўлдилар.

Мулоқотда банк мижозлари ва тадбиркорларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

**Банк матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6